



THE EMERGENCE OF FEMALE LEADERS IN THE HEALTHCARE SYSTEM AND THEIR ROLE IN STRENGTHENING PUBLIC HEALTH

Khulkar Yuldashevna Kholikulova

Associate Professor

the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: women's leadership, healthcare, medical personnel, gender equality, women in leadership, reforms in Uzbekistan, government programs, medical education.

Received: 20.06.25

Accepted: 22.06.25

Published: 24.06.25

Abstract: This article analyzes the development of female leadership in Uzbekistan's healthcare system and its impact on public health improvement. Based on historical and statistical data, it explores the professional growth of female doctors, their participation in leadership positions, and their contributions to healthcare reform. The article also highlights how government programs, legislative initiatives, and gender equality policies have increased the engagement of female professionals in the medical field. The scientific analysis concludes that women are a vital factor in the sustainable development of the healthcare system.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ЛИДЕР АЁЛЛАРНИНГ ЕТИШИБ ЧИҚИШИ БОСҚИЧЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШДАГИ ЎРНИ

Хулкар Юлдашевна Холикулова

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни

муҳофаза қилиш Академияси доценти

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Аёллар етакчилиги, соғлиқни сақлаш, тиббий кадрлар, гендер тенглик, раҳбар аёллар, Ўзбекистондаги ислохотлар, давлат дастурлари, тиббий таълим.

Аннотация: мазкур мақолада Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида аёллар етакчилигининг ривожланиши ва уларнинг аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашдаги ўрни таҳлил қилинади. Тарихий ва статистик маълумотлар асосида аёл шифокорларнинг касбий ўсиши, раҳбарлик лавозимларидаги иштироки ва соҳани ислоҳ қилишдаги ҳиссаси

кўрсатилади. Мақолада, шунингдек, мамлакатда қабул қилинган давлат дастурлари, қонунчилик ташаббуслари ва гендер тенгликни таъминлашга қаратилган сиёсий ислохотлар натижасида тиббиёт соҳасидаги аёл мутахассисларнинг фаоллиги қандай ошгани ёритилади. Илмий таҳлил натижасида, аёллар соғлиқни сақлаш тизимидаги барқарор ўсишнинг муҳим омили сифатида баҳоланади.

РОЛЬ ЖЕНЩИН-ЛИДЕРОВ В СИСТЕМЕ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ И ИХ ВКЛАД В УКРЕПЛЕНИЕ ОБЩЕСТВЕННОГО ЗДОРОВЬЯ

Хулкар Юлдашевна Холикулова

Доцент

Академии правоохранительных органов Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: женское лидерство, здравоохранение, медицинские кадры, гендерное равенство, женщины-руководители, реформы в Узбекистане, государственные программы, медицинское образование.

Аннотация: В данной статье рассматривается развитие женского лидерства в системе здравоохранения Узбекистана и его влияние на укрепление здоровья населения. На основе исторических и статистических данных анализируются профессиональный рост женщин-врачей, их участие в руководящих должностях и вклад в реформирование отрасли. Также в статье освещается, как благодаря реализуемым государственным программам, законодательным инициативам и политике обеспечения гендерного равенства усилилась активность женщин-специалистов в медицинской сфере. В результате научного анализа женщины оцениваются как ключевой фактор устойчивого развития системы здравоохранения.

Бугунги кунда Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида фаолият юритаётган шифокорларнинг 50 фоизга яқинини аёллар ташкил этади. Жамиятда кечаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар натижасида аёллар турли соҳаларга, жумладан тиббиётнинг турли йўналишларига ҳам фаол кириб бормокда. Масалан, косметология, акушер-гинекология, педиатрия каби тиббий йўналишлар анъанавий тарзда аёллар томонидан банд этилди, чунки бу соҳалар нозиклик, эҳтиёткорлик ва юқори эстетик дидни талаб этади. Лекин шикастланишлар, жарроҳлик ва ортопедия каби жисмоний куч талаб қилувчи соҳаларда аёллар сони нисбатан камлигини кўришимиз мумкин.

Анъанавий эркак касби сифатида қараладиган жарроҳлик соҳасида ҳам аёлларнинг иштироки тобора кенгайиб бормоқда. Статистика маълумотларга кўра, 2024 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистонда 105,7 минг нафар шифокорнинг 49,6 минг нафарини аёллар ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида аёллар улуши 77 фоизни, иқтисодиёт ва саноатда эса 46 фоизни ташкил этади. Давлат ва жамоат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида тахминан 2000 аёл фаолият юритмоқда. Бу ўз навбатида мамлакатда аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар яратилганлиги, аёлларнинг давлат ва жамоат бошқарувидаги роли кучаяётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликка эришилган илк йиллардан бошлаб соғлиқни сақлаш тизими миллий тараққиётнинг устувор йўналишларидан бири сифатида давлат сиёсатининг доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда. Буни ҳар бир йилга белгиланган номлар ва шу асосда қабул қилинган давлат дастурларининг мазмун-моҳияти ҳамда амалий натижалари яққол тасдиқлайди. Жумладан, 1992-йил “Ҳамширалар йили”, 2000-йил “Соғлом авлод йили”, 2001-йил “Она ва бола йили”, 2005-йил “Сиҳат-саломатлик йили”, 2006-йил “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”, 2014-йил “Соғлом бола йили”, 2016-йил “Соғлом она ва бола йили”, 2021-йил эса “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб белгиланиши бунинг яққол далилидир. Мазкур давлат дастурлари доирасида тиббиёт соҳасини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизматлар сифатини ошириш, соҳа инфратузилмасини модернизация қилиш ва кадрлар салоҳиятини юксалтиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, ушбу жараёнларда аёллар фаол иштирок этиб, тиббиёт тизимининг амалиёт қисмида ҳам ўз ўрнини мустаҳкамлаб бормоқда.

Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш соҳасида халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик лойиҳаларида ҳам аёл мутахассисларнинг ортиб бораётгани, уларнинг касбий салоҳияти ва ташаббускорлиги соҳа ривожига муҳим ҳисса қўшаётганини кўрсатади. Аёлларнинг бу каби лойиҳалардаги фаол иштироки нафақат миллий соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, балки Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Соғлиқни сақлаш ва тиббиёт тизимини ислоҳ қилишга ва бу соҳада замонавий билимларга эга кадрларни тайёрлашга Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан эътибор қаратиб келинмоқда. Шунинг учун биринчи Президентнинг 1996 йил 22 февралда Ўз Р ВМ тиббий патронаж тизимини ташкил қилиш тўғрисида”ги қарори, 1998 йил 10 ноябрда “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Мазкур фармонда тиббиёт соҳасини тубдан такомиллаштириш, хусусан, соҳага малакали кадрларни тайёрлаш ва уларни самарали

фаолиятга жалб этиш масаласига эътибор қаратилди ва 1998–2005 йилларга мўлжалланган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг Давлат дастури қабул қилинди. Мазкур дастурга биноан шифокор кадрлар ва ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлашга бўлган кўшимча эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда 1999—2005 йилларда тиббиёт билим юртлирини касб-ҳунар коллежларига айлантириш дастурлари ишлаб чиқилди. 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб, тиббиёт олий ўқув юртлирининг даволаш факультетлари ҳузурида ўрта тиббий маълумот негизида ўқитиш муддати 3 йил бўлган олий малакали тиббиёт ҳамширалари (реаниматологлар, анестезистлар, жарроҳлик ҳамширалари, туғуруқхона акушеркалари ва бошқалар)ни тайёрлаш бўлимлари очилди. Аммо мустақилликнинг дастлабки йилларида аёл шифокорларнинг асосий қосми ҳамширалар ҳисобига ортганини кўришимиз мумкин. Шифокорлар орасида салоҳиятли лидер аёллар сонида ўсиш эмас, камайиш кузатилди. Масалан, 1991 йилда соғлиқни сақлаш тизимида (30 минг нафар аёл шифокорлар) раҳбарлик лавозимларида фаолият юритувчи аёллар улуши атиги 6 фоизни ташкил этган бўлса, 1995 йилга келиб (28 минг нафар аёл шифокорлар) бу кўрсаткич 7 фоизга етган. Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, соҳада фаолият юритувчи аёллар умумий сонига нисбатан раҳбар аёллар сонининг нисбатан озчилиқни ташкил қилган.

1999 йил 14 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимидаги бошқарувни такомиллаштириши ҳақида”ги қарорининг қабул қилиниши натижасида амалга оширилган ислоҳотлар соғлиқни сақлаш тизимидаги бошқарув жараёнига ижобий таъсир кўрсатди. Мазкур чоратadbирлар натижасида даволаш муассасаларида тиббий хизмат кўрсатишнинг замонавий усуллари жорий этилди ва улар амалиётда кенг қўлланила бошлади ва тиббиётни тизимидаги бошқарувда аёллар сонининг ортишига ҳам таъсир кўрсатди.

2000 йилда шифокор аёллар сони яна ўсиб, 31 минг нафарга етган, раҳбарликдаги аёллар эса 9 минг нафарни ташкил этган. Бу даврда соғлиқни сақлаш тизимида кадрлар салоҳиятини ошириш ва хотин-қизларни касбий ривожлантиришга қаратилган дастурлар ўз самарасини бера бошлаган.

2005 йилда эса умумий аёл шифокорлар сони 33 мингга етган бўлса-да, раҳбар аёллар сони 7 мингга тушган. Бу рақамдаги пасайиш юқори лавозимларда аёлларнинг иштирокидаги муваққат чекланиш ёки бошқарув тизимларидаги структуравий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган.

2010 йилда вазият яна кескин ўзгариб, раҳбарликдаги аёллар сони 12 минггача кўтарилган. Бу 2005 йилга нисбатан қарийб 71% ўсишни ташкил этади. Бундай ўзгариш, эҳтимол, давлатнинг гендер тенглик сиёсати, таълим ва касбий тайёргарлик дастурларининг кучайтирилиши, шунингдек, аёллар учун яратилган янги имкониятлар

самараси ҳисобланади. Шу билан бирга, аёл шифокорлар сони 33 минг атрофида барқарор қолган.

2015 йилга келиб, шифокор аёллар сони 35 мингга етган. Бу 1991 йилга нисбатан 5 мингга кўп, яъни тахминан 17% ўсиш демакдир. Раҳбар аёллар сони эса 13 мингга етгани қайд этилган — бу эса таҳлил даври мобайнидаги энг юқори кўрсаткичдир ва раҳбарликдаги аёллар сони 1991 йилга нисбатан икки бараварга ўсганлигини кўришимиз мумкин.

2017 йилдан кейин тиббиёт соҳасида хотин-қизларнинг раҳбарлик салоҳияти янада намоён бўлиб, лидер аёлларнинг етишиб чиқишида янги босқич бошланди. Бунга Ўзбекистонда қабул қилинаётган норматив-меъёрий ҳужжатлар ҳам катта таъсир кўрсатган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2019 йил 7 мартдаги ПК4235-сонли “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сонли “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “Янги Ўзбекистоннинг 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонлари ва соҳа фаолиятини такомиллаштиришга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб Ўзбекистонда аёлларга турли соҳаларда кенг имкониятлар яратиш берила бошлади.

Тараққиёт стратегиясига мувофиқ, хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама қўмаклашиш, иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Бунда Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори алоҳида эътиборга моликдир.

Мазкур ҳужжат қабул қилинишидан асосий мақсад, тиббий таълим сифатини ошириш, олий ва ўрта махсус профессионал тиббий таълим тизимини энг яхши халқаро

тажрибалар даражасида босқичма-босқич шакллантириш ва тиббий ёрдам сифатини яхшилашдан иборат. Бу вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига қатор муҳим вазифалар юклатилган эди. Айниқса, тиббий таълим муассасалари, шунингдек олий таълимдан кейинги таълим тизими, мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг услубий бошқаруви орқали тиббий кадрларни тайёрлаш соҳасида норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилди. Олий ва ўрта махсус профессионал тиббий таълим ҳамда малака ошириш тизими учун давлат таълим стандартлари ва талаблари ишлаб чиқилди. Бунда соғлиқни сақлаш соҳаси учун мутахассисларни қайта тайёрлаш, шунингдек олий тоифали илмий-педагогик тиббий кадрларни етиштириш алоҳида аҳамият касб этди.

2022 йил 1 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонга биноан оила, хотин-қизлар ва кекса авлод вакиллари билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш мақсадида, хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш, гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир ислохотларни амалга ошириш вазифалари қўйилган. Ушбу Фармоннинг қабул қилиниши натижасида Ўзбекистон аёлларига мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётининг барча соҳаларида фаол меҳнат иштирок этишларига кенг имкониятлар яратиб берилди. Улар нафақат келажак авлодни тарбиялашга, балки фан, таълим, соғлиқни сақлаш, саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланишига ҳам ҳисса қўшмоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тизимида жами 4760 ходим фаолият юритмоқда, улардан 1905 нафари аёллардир. Умумий 2146 та тадқиқотчининг 695 нафари аёллар бўлиб, улар орасида 7 академик, 90 доктор ва 250 илмий номзод бор. Шулардан Обидова Мухаббат Фозиловна, Убайдуллаева Раъно Ахатовна, Мавлонова Машхура Эгамовна, Рашидова Сайёра Шарафовна, Юсупова Дилром Юнусовна, Иноятова Флора Илясовна, Арипова Тамара Ўктамовна кабилар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси аъзолари ҳисобланадилар.

2025 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республика бўйича жами шифокорлар сони 91,9 минг нафарни ташкил этиб, шундан аёл шифокорлар сони 44,3 минг нафар (жами шифокорларга нисбатан 47,7 %)ни ташкил этади. Жумладан, ҳар 10 минг аҳолига нисбатан шифокорлар сони 27,1 нафарни ташкил этади. Шунингдек, ўрта маълумотли тиббиёт

ходимлари сони 365,6 минг нафарни ташкил этиб, шундан 333,4 минг нафари аёллар (жами ўрта тиббиёт ходимларига нисбатан 91,2 %).

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистонда мустақилликдан кейинги даврда соғлиқни сақлаш тизимида аёлларнинг иштироки сезиларли даражада кенгайган. Хусусан, таълим, касбий ривожланиш, раҳбарлик лавозимлари ва халқаро лойиҳаларда аёлларнинг фаол иштироки уларнинг соҳага қўшаётган ҳиссасини оширмоқда. Давлат томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ва институционал чора-тадбирлар аёлларнинг тиббиёт соҳасидаги етакчилик салоҳиятини юзага чиқаришга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимидаги муваффақиятли ислохотларнинг муҳим драйверларидан бири айнан лидер аёллар эканлиги аниқланди. Шу муносабат билан, аёлларнинг салоҳиятини ривожлантириш, уларни тайёрлаш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1996 йил 22 февралда Ўз Р ВМ тиббий патронаж тизимини ташкил қилиш тўғрисида”ги қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентнинг 1998 йил 10 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастури тўғрисида”ги фармони.
3. Mohir Ahmedov • Ravshan Azimov Zulkhumor Mutalova • Shahin Huseynov Elena Tsoyi • Bernd RechelUzbekistan: Health System Review 2014. file:///C:/Users/xalik/Downloads/Uzbekistan-HiT-web.pdf
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимидаги бошқарувни такомиллаштириши ҳақида”ги қарори.www.lex.uz.
5. Каримова М. Мир, созданный женщиной. Книга I, Ташкент:.. "Восток", 2005. – С. 378
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
7. Э.Баситханова. Соғлиқни сақлаш тизимида лидер аёлларнинг тутган ўрни. Илм-фан соҳасида хотин-қизларнинг, ёш олима аёлларнинг ролини ошириш мақсадида “Давлат бошқарувида хотин-қизларнинг ролини ошириш йўллари” мавзусидаги давра суҳбати.